

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

№ 6 (79)
2019

ISSN 2181-6514

WWW.ITM.UZ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ОБЩЕСТВЕННЫЙ ЖУРНАЛ



СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- ✓ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ АМАЛДА
НАЦИОНАЛЬНАЯ ПРОГРАММА ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В ДЕЙСТВИИ
- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИХАТЛАРИ
ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ КОНЦЕПЦИЙ ОБРАЗОВАНИЯ И ЭТИКИ ВОСПИТАНИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯЛАР ТАРИХИ
ИСТОРИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ И ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ КОНЦЕПЦИЙ
- ✓ КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ
ДИСТАНЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ КАСБГА ЙЎЛЛАШ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ
ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ
- ✓ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ
НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ
- ✓ ОИЛА ВА МАКТАБ
СЕМЬЯ И ШКОЛА
- ✓ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури –
жамиятни модернизациялаш, инновацион иқтисодиётни
яратиш ва фуқаролик жамиятини босқинма-босқич
ривожлантиришнинг асоси

Национальная программа по подготовке кадров Республики Узбекистан –
основа модернизации, создания инновационной экономики
и поступательного развития гражданского общества

Журнал Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти нашри.

Журнал Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда нашр этилмоқда.

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№6 (79), 2019

3	УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ / НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ Махмудов А.Х., Фефелов В.С., Камилова А.Б. Инновационные пути педагогического прорыва
10	ОЛИЙ ТАЪЛИМ / ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ Тўлаганов Ш.Ф. Соҳибқирон Амир Темур илмий меросидаги нотиклик санъати
18	Ачилова Д.А. Интегральный показатель успешности обучения графическим дисциплинам на основе непрерывного контроля
24	МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ / ДИСТАНЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ Анарбаева Ф.У. Таълим тизимида электрон таълимни қўллашнинг педагогик усуллари
31	ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ / ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ Юсупов Б.Э. Таълим инновацияларидан фойдаланишдаги муаммолар ва ечимлар
37	Хидоятова Д.А. Педагогик жараёнда таълим моделлари ва интерфаол таълим
43	МАКТАБ ТАЪЛИМИ / ШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ Муҳиддинова К.А. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий тарбия шаклланганлигининг мавжуд ҳолати
50	Абдиев У.Б. Замонавий интегратив таълим методларидан фойдаланиб физика фанини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш (умумтаълим мактаблари физика таълими мисолида)
57	МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ / ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ Норбошева М.О. Ота-онанинг педагогик-психологик саводхонлигининг болани мактабга тайёрлашга таъсири
62	Саидмаматов О.А., Нуриддинова М.М. Мактабгача таълим муассасаларида очиқ ҳавода бажариладиган фаолиятлар (Ўзбекистон, Латвия ва Норвегия мисолида қиёсий солиштирма)
71	ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДАГИ ТАРБИЯ / ВОСПИТАНИЕ В УЧЕБНОМ ЗАВЕДЕНИИ Жумаев Э.Т. Ёшларга мафқуравий тарбия мазмунини сингдириш орқали «оммавий маданият» таъсиридан ҳимоялаш
78	Каримов Қ.С., Мелибоев А.Н. Ёшларда ахлоқий сифатлар шаклланишида тарихий маълумотлардан фойдаланиш
85	ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ / ПСИХОЛОГИЯ СЕМЬИ Давронова Д.С. Научно-теоретические основы развития системы воспитания общественного сознания несовершеннолетних в семье
91	МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ

«Замонавий таълим» («Современное образование») журнали:

• Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартдаги 214/2-сон қарори билан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ва 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича);

• **РИНЦ** маълумотлар базасига киритилган. – https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617

• **CyberLeninka** илмий электрон кутубхона базасига киритилган. – <https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan>

Журнал «Замонавий таълим» («Современное образование»):

• постановлением Президиума ВАК Республики Узбекистан от 20 марта 2015 года № 214/2 включён в перечень научных изданий, рекомендованных для публикации основных научных результатов докторских диссертаций (по 13.00.00 – ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ и 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ);

• входит в базу данных **РИНЦ**. – https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617

• входит в базу научной электронной библиотеки **CyberLeninka**. – <https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan>

Хидоятова Дилафруз Абдугаффаровна,
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети хузуридаги Халқ
таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш ҳудудий
маркази «Педагогика, психология ва таълим
технологиялари» кафедраси в.б. доценти,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА ТАЪЛИМ МОДЕЛЛАРИ ВА ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ

УДК: 37.02

ХИДОЯТОВА Д.А. ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА ТАЪЛИМ МОДЕЛЛАРИ ВА ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ

Мақолада интерфаол таълим ва унинг эволюцион ривожланиш тарихи таҳлил қилинган. Шунингдек, таълимда қўлланилиб келинаётган экстрафаол, фаол (ички), интрофаол ва интерфаол таълим моделларининг амалий-педагогик жараёнлари қисқача ёритилган. Педагогик жараённи ташкил этишда интерфаол методлардан фойдаланишнинг назарий жиҳатларининг айрим таҳлиллари ёритилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: интерфаол таълим; экстрафаол, фаол (ички), интрофаол ва интерфаол метод.

ХИДОЯТОВА Д.А. ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ МОДЕЛИ И ИНТЕРАКТИВНОЕ ОБУЧЕНИЕ В ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ПРОЦЕССЕ

В статье проанализировано интерактивное обучение и история его эволюционного развития. Также кратко освещены практико-педагогические процессы экстраактивной, активной (внутренней), интроактивной и интерактивной моделей обучения, которые используются в обучении. Освещён анализ теоретических аспектов использования интерактивных методов для организации педагогического процесса.

Ключевые слова и понятия: интерактивное обучение; экстраактив, актив (внутренний), интроактив и интерактивный метод.

KHIDOYATOVA D.A. EDUCATIONAL MODELS AND INTERACTIVE LEARNING IN THE PEDAGOGICAL PROCESS

There is analyzed in the article interactive training and its evolutionary development history. Also shortly practical and pedagogical processes of extraactiv, active (inside), introactiv and interactive models of training used in training are described. Theoretical aspects of interactive methods in the organization of pedagogical process implementation are lightened.

Keywords: interactive learning; extraactiv, active (inside), introactiv and interactive method.

«Интерфаол таълим» тушунчаси ҳозирги педагогик жараёнда кенг қўлланилаётган янги атамалардан бири ҳисобланади. У педагогик лексиконга 90-йилларнинг охирида кириб келди.

Бу атаманинг педагогик жараёнда пайдо бўлишининг бир нечта эволюцион ривожланиш даврларини тадқиқотчилар талқин қилишади.

Илмий адабиётларда тадқиқотчилар «интерфаол таълим» тушунчаси ҳамда интерфаол таълим усулларининг педагогик жараёнда қўлланиши кенгайиб боришини 1990 йилларнинг ўрталарида интернет тармоғининг ривожланиши билан боғлашади¹.

Бунда ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, компьютер техникасининг ривожланиши натижасида унинг таълим-тарбия жараёнида кенг қўлланилиши ҳамда турли даражалардаги ахборот манбалари, шу жумладан, интернет тармоғининг таълим-тарбия соҳасига жадал кириб келиши жиддий аҳамиятга эга бўлди.

1980-йилларнинг охирига келиб бир қатор муаллифлар, жумладан, В.В.Гузеев, М.В.Кларин, Е.С.Полат, В.А.Сластенинлар таълимнинг нафақат пассив ва фаол, балки интерфаол методларини ҳам ажратиб кўрсатишади².

XX асрнинг 60-70-йилларида ахборот ва компьютер технологияларидан интерфаол таълим доирасида фойдаланиш ва масофавий таълим назарияси пайдо бўлди. ЮНЕСКО институтининг В.Кинелев, Пит Коммерс, Б.Коциклардан ташкил топган илмий-тадқиқот жамоасининг фикрича, компьютердан таълим бериш воситаси сифатида фойдаланиш ғояси уларнинг пайдо бўлиши билан бирга бошланган³.

¹ Капранова Е.А. Интерактивное обучение: концептуальные подходы // Вестник Полоцкого государственного университета, 2012, № 7. -С. 11-14.

² Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учебн. пос. / Е.С.Полат, М.Ю.Бухаркина, М.В.Моисеева, А.К.Петров. / Под ред. Е.С.Полат. — М.: Издательский центр «Академия», 1999. -С. 22.

³ Кинелев В. Использование информационных и коммуникативных технологий в среднем образовании. Информационный меморандум / В.Кинелев, Пит Коммерс, Б.Коцик. - Москва: Институт ЮНЕСКО по информационным технологиям в образовании, 2005. -С. 13.

Интерфаол таълим методлари, яъни билимларни ўргатиш ҳамда ўрганиш жараёнида таълим берувчи ҳамда таълим олувчиларнинг ўзаро фаолликлари ва бундай фаолликнинг аҳамияти, шундай жараённи ташкил қилиш, такомиллаштириш, назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш масалаларига қадим замонлардан бошлаб буюк мутафаккирлар, устозлар ўз шогирдлари билан машғулотларда, ҳозирги даврларда эса педагог олимлар ўз тадқиқотларида ҳамда амалиётчи педагоглар ўз амалий фаолиятларида жиддий эътибор бериб келмоқдалар.

Бу борада Марказий Осиёда таълим методларига бўлган муносабатнинг тарихига назар ташланганида:

Абу Али Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида ёш болаларни туғилганидан бошлаб вояга етгунича маълум тартибда тарбиялаб бориш лозимлигини айтади. Мактабда болаларни қандай ўқитиш ва нималарни ўқитиш ҳамда ўқитиш усуллари ҳақида ҳам муҳим фикрларни олға суради. У болаларни яқка тартибда ўқитишдан кўра жамоа тартибда ўқитишни афзал деб билади ва бу усулнинг устунлиги ҳақида шундай деб ёзади: «Ўқувчилар ўқиш ва тарбия давомида илмга чанқоқлик сезадилар. Ўз билимлари билан ғурурландилар, бир-бирларининг билимларига ҳавас қиладилар. Ғурур ва ўзига эътибор тарбияланувчиларни бир-бирларидан орқада қолмасликка ундайди. Ўқувчилар бирга бўлганларида доим бир-бирлари билан гаплашадилар ва бу билан ўз хотиралари ва нутқларини ривожлантирадилар»⁴.

XV асрда Самарқандда Мирзо Улуғбек «Академия»га асос солди. Бу ҳақда тарихчи олим Валтер⁵ «Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солди, ер куррасини ўлчашни

⁴ Хасанбоева О., Хасанбоев Ж., Ҳомидов Ҳ. Педагогика тарихи. — Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004. —63-б.

буюрди ва фалакиётшунослик жадвалларини тузишда иштирок этди»¹ деб ёзган эди.

Улуғбек Академиясида олиб борилган таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг математика, фалакиёт ва тиббиёт фанлари бўйича қобилиятларини ривожлантиришни муҳим вазифа деб баҳолаган. У ҳар бир кишининг ахлоқий камол топишида унинг бошқалар билан **ўзаро муносабатлари, ҳамкорлиги ва дўстлиги етакчи роль ўйнайди**, деб ҳисоблаган. Шунингдек, Улуғбек болаларнинг баркамол инсон бўлиб етишиши учун уларни ўқитиш ва тарбиялаш зарурлиги, турли билимларни ўрганишга қизиқтириш кераклигини қайд қилган. Болаларни ўқишдан совишига сабаб, аввало, ўқитувчилардаги разолат эканлигини, бундай ўқитувчилар яроқсиз усуллар билан ёшларнинг билим олишга қизиқишини сўндиришлари мумкинлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, тарбиячи аввало ўзини тарбиялаши, яъни билим ва маҳоратини муттасил ошириб бориши лозим².

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, таълим жараёнида фаоллик, яъни айнан таълим олувчиларнинг ҳамда таълим берувчининг ўзаро фаоллиги, уларнинг ўзаро ҳамкор, ҳамфикрлиги ҳал қилувчи омил сифатида алоҳида таъкидланмоқда. Булар ҳозирги кундаги интерфаол таълим методларининг ўша замонлардаги кўринишларини яққол ифодалайди.

Интерфаол таълим тушунчасининг асосий маъноси ўзбек тилида «ўзаро фаоллик», «ўзаро таъсир» маъноларини билдиради. Бу маъно-мазмундан келиб чиққан ҳолда ўзаро фаоллик ва ўзаро таъсир асосида ташкил этилган педагогик жараён борасида Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Абдулла Авлонийнинг асарларида билдирилган фикрлар бу усулларнинг дидактик имкониятларини ёритиб берган.

Интерфаол таълим – ўқитувчи ва тингловчи (ўқувчи, талаба) таълим методлар, шакллар, воситалардан муайян шароитда, маълум кетма-кетликда фойдаланиш ва шу жараёнда ўзаро фаолликни вужудга келтириб билим,

кўникма, малаканинг ҳосил бўлиши ва ривожланишидир.

Юқоридаги ва бошқа манбаларни ўрганиб, замонавий педагогик жараёнда интерфаол таълимнинг долзарблиги аниқланди. Бу бўйича «Интерфаол таълим модели воситасида таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёни самарадорлигини ошириш» мавзусида тадқиқот иши амалга оширилди. Тажриба-синов ишлари 2008 йилдан 2016 йилларгача Тошкент шаҳар ХТХҚТУМОИ, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд ва Андижон вилояти ХТХҚТУМОИларида олиб борилди. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида кам контингентнинг ташкил этилиши кўзда тутилиб, тажриба-синов ишлари узоқ муддатда олиб борилди ва бир ўқув йилидаги натижаларни эмас, кўп ўқув йиллар давомидаги натижаларни қиёсий ўрганишга тўғри келди. Ўтказилган узоқ муддатли тажриба-синов ишларимизда жами турли малака ошириш институтларида ўқиган 352 нафар респондент иштирок этди. Шунингдек, Тошкент шаҳар Миробод тумани 110-, Олмазор тумани 191-, Яккасарой тумани 160-мактабларда амалга оширилган.

Тадқиқот жараёнида педагогик жараёнда ҳозирда педагоглар интерфаол таълим моделидан ташқари қуйидаги таълим моделларидан фойдаланишлари аниқланди. Булар экстрафаол, интрофаол, фаол (ички) ва интерфаол таълим моделлари. Улар бўйича 1-жадвалда қисқача маълумот келтирамиз³.

Бугунги кунда экстрафаол, фаол ва интрофаол таълим жараёнларига интерфаол методларнинг татбиқ этилиши уларнинг самарали кечишини таъминлаш билан бирга, замонавий таълим учун ўта муҳим саналган ўзаро ҳамкорлик асосида таълим олиш учун маълум шароитларни вужудга келтиради. Қуйида таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили фанида «Case-study» интерфаол методидан фойдаланиб ташкил этилган интерфаол таълим жараёнининг таҳлили келтирилган.

¹ Хасанбоева О., Хасанбоев Ж., Ҳомидов Ҳ. Педагогика тарихи. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004. –С. 107.

² Шу манба, 109-б.

³ Хидоятлова Д.А. Интерфаол таълим. – Т.: «Абу матбуот-консалт», 2016. –11-б.

1-жадвал. Таълим бериш моделлари схемаси ва уларнинг асосий моҳияти¹.

Таълим бериш моделлари	Схема	Ўқув жараёнининг моҳияти
Экстрафаол (ташқаридан) таълим		Мени кимдир (нима биландир) ўқитади
Фаол (ички) таълим		Ўқувчининг фаоллиги, мустақиллиги таъминланган бўлса-да, бироқ ўқитувчининг иштироки кузатилмади
Интрофаол (ташқарига) таълим		Ўқувчи ўқувчига таълим беради (мен кимгадир таълим бера оламан)
Интерфаол (ташқаридан ва ташқарида ўзаро ўрин алмашган ҳолда) таълим		Ўзаро ҳамкорликда таълим олиш

Аниқ муаммоли вазиятни таҳлил қилиш (инглиз тилида «case-study», немис тилида «fallstudie») сўнгги йилларда тобора оммалашиб бораётган методлардан бири саналади. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек фанини ўқитиш жараёнида ушбу методни ўтказиш учун қуйидаги муаммоли вазият танлаб олинди.

«Зумрад ва Қиммат» эртаги.

Қимматнинг дарди (монологи) - «Мен ҳеч ёмон қаҳрамон эмасман, отам Зумрадни ўрмонга ташлаб келганларида қаттиқ хафа бўлдим. Овқатни ҳам тузини атайин шўр қилганим йўқ, туз овқатга солинмади деб ўйлаб озгина солган эдим, лекин... Онамга ҳар доим мен ишларни қилай десам сира қилдирмадилар, лекин барча уй ишларини ўрганишни хоҳлаган эдим. Мен Қиммат, сизлар тасвирлаганчалик ёмон эмасман, менга ишонинглар...».

Мана шу вазият борасида кичик гуруҳларда таҳлилий иш олиб борилди. Бунда гуруҳларга (4-6 ўқувчидан ташкил топган) «Т»-схема методи ёрдамида вазифа берилди. Вазифа: «Қиммат»нинг ижобий ва салбий фазилатларини ёзинг. Вазифа учун 4 дақиқа вақт ажратилади. Гуруҳлар вазифани бажариб бўлишгач,

тақдимот қилиб гуруҳдан бир тингловчи таҳлилларни ўқиб беради.

Олиб борилган иш бўйича ўқитувчи хулоса қилиши зарур. Бунда ўқитувчи бир қанча саволлар орқали ўқувчиларни мустақил хулоса чиқаришларига ундайди. Саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- Бу монологни эшитишдан аввал Қимматга бўлган муносабатингиз қандай эди?

- «Қимматнинг дарди» (монологи)дан сўнг Қимматга бўлган муносабатингиз қандай бўлди?

- Қайси гуруҳнинг таҳлилларида Қимматнинг ижобий сифатлари салбий сифатларидан кўп бўлди?

- Нима учун ижобий сифатларини кўпроқ кўра олдингиз?

- Сизнинг фикрингизча ҳаётда ёмон сифатли инсонлар нима учун бундай бўлиб қолишади?

- Сизни ҳаётингизда сиз «ёмон» деб билган кишига бўлган муносабатингиз ўзгардимми? Нима деб ўйлайсиз?

Бундан ташқари, «Ўтган кунлар» асари қаҳрамони Зайнабнинг «Ёзилмаган монологи», «Ялмоғиз кампир», «Бўри» каби мавзулар асосидаги муаммоли вазиятлар ташкил этилди.

Бу метод ўқитувчиларнинг ахборотларни таҳлил қилиш, асосий муаммони аниқлаш, **ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ** 2019, 6(79)

¹ Хидоятлова Д.А. Интерфаол таълим. – Т.: «Абу матбуот-консалт», 2016. – 15-б.

уларни ҳал этишнинг муқобил йўлларини танлаш ва баҳолаш, энг самарали йўлни топиш ҳамда ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантириш мақсадини кўзлайди.

Педагогик жараёнда ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида «Муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш» методининг ўқувчиларда ўзаро мулоқотни юзага келтиришдаги афзалликлари қуйидаги жиҳатлар билан белгиланади:

- фанлараро алоқани ўрнатиш;
- образли тафаккурни ривожлантириш;
- муқобил вариантларни баҳолаш;
- таҳлил натижаларини намоён этиш;
- қарор қабул қилиш билан боғлиқ жараёнда давомийликни таъминлаш;
- мулоқотга киришиш ва гуруҳ ёки жамоада ишлаш кўникмаларини ўзлаштириш имкониятлари мавжуд¹.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўрганишда ўқув материаллари асосидаги муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш ўқувчилар ёки гуруҳларнинг индивидуал ишлари, тақлифларни гуруҳли муҳокама қилиш билан мувофиқлаштирилади. Бу ҳолат ўқувчиларда гуруҳда, бир жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантиради. Индивидуал таҳлиллар, гуруҳда уларнинг муҳокама қилиниши, муқобил вариантларнинг танланиши, ҳаракат йўналиши ва муаммони ҳал қилиш режасини белгилаш ўқувчиларда таҳлил қилиш ва режалаштириш каби сифатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Ушбу метод, айниқса, тил (хорижий тилларни) ўрганишда ниҳоятда қўл келади.

Амалда муаммоли вазиятларни ишлаб чиқишда қуйидаги икки йўлдан бирини танлаш мумкин:

- 1) аниқ ҳаётий воқеа-ҳодисалар мисолида;
- 2) сунъий асосланган ҳодисалар, ҳаракатлар асосида.

Таълим амалиётида муаммоли вазиятларни таҳлил қилишда самарадорликка эришишни кафолатловчи қуйидаги асосий тамойиллар ишлаб чиқилган².

Муаммоли вазиятлар фақат биргина мавзу ёки предмет билан боғлиқ бўлмайди. Улар,

¹ Хидоятлова Д.А. Малака ошириш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш. – Т.: «Абу матбуот-консалт», 2014. –67-б.

² Шу манба, 68-б.

одатда, бошқа муаммолар ва масалалар билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли, ўқувчилар фанлараро алоқадорликдан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлишлари лозим.

1. Муҳокама жараёнида ўқувчилар муаммоли вазиятларнинг ташқи жиҳатларига эмас, балки ички сабабларига эътиборни қаратишлари педагогик жиҳатдан тўғри саналади.

2. Ўқувчилар муҳокама жараёнида маълум фан ёки ўқув материали бўйича ўзлаштирган назария, қоида, таъриф ёки аксиомаларни ўринли қўллай олишлари, шунингдек, улардан муаммоли вазиятлар ечимини топиш ва тавсиялар ишлаб чиқишда фойдалана олишлари керак.

3. Биргина муаммоли вазиятнинг ечимини топиш билан кифояланиб қолмай, қолган муаммоларнинг ечимини ҳам излаш ва йўналишларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

4. Ўқувчиларга таҳлил ва илгари сурилаётган тавсияларнинг тўғрилигини тасдиқлашда шахсий тажрибаларига таяниб иш кўриш тавсия этилиши лозим.

5. Муаммоли вазиятларни таҳлил қилишга ёндашиш тизимли, изчил ва ўринли бўлиши зарур.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун «Ўзбек тили» дарслигида берилган «Мен севган асар қаҳрамони» мавзусини ўрганишда ўқувчиларни «Зайнабнинг ёзилмаган монолоғи», «Ялмоғиз кампир», «Бўри», «Зумрад ва Қиммат» каби мавзулар асосида ташкил этилган муаммоли вазиятларни ҳал этишга ундаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги саволлар ўртага ташланади:

1. Зайнабнинг салбий қаҳрамон бўлиб акс этишига нима сабаб бўлган?

2. «Зумрад ва Қиммат» эртагида ташқаридан кўринган ҳолатга асосланиб Қимматни ёмон қаҳрамон деб бўладими?

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили фани асосида «Мен севган асар қаҳрамони» мавзусидаги дарс жараёнида ташкил этилган тажриба-синов ишлари натижасида адабий ўқиш бўйича луғатда берилган: асар, қаҳрамон, кет, аранг, йўлдош, ўксимоқ, чалғимоқ, дурра, силамоқ, шарманда бўлмоқ сўзларини ўқувчиларнинг 69 фоизи рус тилидаги маъносини тўғри топа олишган. Тажриба-синов ишлари билан

тадқиқот иши юзасидан ёзилган диссертацияда батафсил танишиш мумкин¹.

Тадқиқот даврида таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблардаги ўзбек тили фанини ўқитишда ўндан ортиқ интерфаол методлардан фойдаланиб, уларнинг таълим самарадорлигига қўшган кўрсаткичлари аниқланди.

Кўрсаткичлар юқори натижаларни берганлигини ҳисобга олиб хулоса қиладиган бўлсак, таълим жараёнида интерфаол методларни қўллаш ўқувчиларга иш жараёнидаги ўқув фаоллигини ошириш, машғулотларнинг қизиқарли ва самарали ташкил этиш, дарсга қўйилган мақсадга самарали эришиш, ўқувчиларни муस्ताқил фикрлаб ўз қарашларини баён этиш-

ларига имкон яратилиши, ўқувчилар орасидаги дўстона муҳитнинг шаклланиши, ўқувчиларнинг ижодкорлиги ривожланиши, муаммоли вазиятлардан чиқа олиш кўникмаларининг пайдо бўлиши, ўқувчининг ижтимоий ҳаётга мослашиш имунитетини ҳосил қилиш каби бир қанча натижаларга эришишни таъминлаш имконини беради.

Юқоридаги тадқиқот иши билан чегараланмаслик ҳаёт билан ҳамнафас қадам ташлаб янгидан янги интерфаол методларни яратиш, мослаштириш ва таълим жараёнига татбиқ этишда ўқитувчи таълимнинг асосий харақатлантирувчиси эканлигини ёддан кўтармаслик ва илдам ҳарақатланиш ҳозирги ўқитувчининг юксак вазифаларидан деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Капранова Е.А. Интерактивное обучение: концептуальные подходы. // Вестник Полоцкого государственного университета, 2012, № 7.
2. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учебн. пос. / Е.С.Полат, М.Ю.Бухаркина, М.В.Моисеева, А.К.Петров. / Под ред. Е.С.Полат. — М.: Издательский центр «Академия», 1999. -С. 224.
3. Кинилев В. Использование информационных и коммуникативных технологий в среднем образовании. Информационный меморандум. / В.Кинилев, Пит Коммерс, Б.Коцик. - Москва.: Институт ЮНЕСКО по информационным технологиям в образовании, 2005. -С. 240.
4. Хасанбоева О., Хасанбоев Ж., Ҳомидов Ҳ. Педагогика тарихи. – Т.: Фафур фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004. -312-б.
5. Хидоятова Д.А. Интерфаол таълим. – Т.: «Абу матбуот-консалт», 2016. -98-б.
6. Хидоятова Д.А. Малака ошириш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш. – Т.: «Абу матбуот-консалт», 2014. -196-б.
7. Хидоятова Д.А. «Интерфаол таълим модели воситасида таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёни самарадорлигини ошириш». Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси – Т., 2017. –148-б.

¹ Хидоятова Д.А. «Интерфаол таълим модели воситасида таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёни самарадорлигини ошириш». Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси – Т., 2017. –148-б.